

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**

**ШАЙЗАКОВ ШОДИЯР ИБРАГИМОВИЧ**

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:  
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation**

**Шайзаков Шодияр Ибрагимович**

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-  
ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил .....3

**Shayzakov Shodiyar Ibragimovich**

Organizational and legal basis of participation of the prosecutor in administrative  
proceedings: comparative-legal analysis.....23

**Шайзаков Шодияр Ибрагимович**

Организационно-правовые основы участия прокурора в административном  
судопроизводстве: сравнительно-правовой анализ.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**

**ШАЙЗАКОВ ШОДИЯР ИБРАГИМОВИЧ**

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ:  
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Үн343 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Бош прокуратура Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хожиев Эркин Туйғунович**  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Тухташева Умида Абдиловна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Нематов Жўрабек Нематиллоевич**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 21 октябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2021 йил 07 октябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 07 октябрдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х.Пўлатов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ф.Х.Сафаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

**Ф.Х.Рахимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда маъмурий ва бошқа оммавий-хуқуқий низоларни ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси сифатида прокурорнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини таъминлашда алоҳида ўрни мавжуд. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг маслаҳат органи ҳисобланган Венеция комиссиясининг тавсияларида прокурор аҳолининг алоҳида қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, давлат ва оммавий манфаатларни кўзлаб маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиши орқали процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга имконият яратилиши белгиланган<sup>1</sup>. Шу муносабат билан, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-хуқуқий таҳлил қилган ҳолда республикамизда прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини белгилаш, прокурор вазифалари, ваколатларининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада прокурор фаолиятининг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, қуйи турувчи прокурор ўринбосарларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини такомиллаштириш, ишларни мурожаатлар асосида суддан чақириб олиш ва юқори судларга протест келтиришнинг ҳуқуқий механизмини янада соддалаштириш долзарб аҳамият эга.

Дунё бўйлаб COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ пандемия даврида аҳолининг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни мансабдор шахсларнинг таъсир доирасидан ҳимоялашда прокуратура органларининг ролини янада такомиллаштириш, айниқса оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судда кўриб чиқилишида ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида прокурорларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилаш, прокурор фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим бўлиб қолмоқда. Ш.Мирзиёев қайд этганларидек, “...Ўзбекистонда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ ва адолатли янги прокуратуранинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурияти вужудга келмоқда”<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда маъмурий судлар томонидан 2018 йилда 17.427 та, 2019 йилда 16.255 та, 2020 йилда 15.066 та иш кўрилган бўлса, 2021 йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 12.482 тани<sup>3</sup> ташкил этишининг ўзи судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилигини таъминлашни тақозо этади ва мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларига муҳим вазифалар юклайди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 52-бандида “Судлар фаолиятида прокурор иштирокини

<sup>1</sup>Rec 2005 (63) / [https://www.venice.coe.int/WebForms/pages/?p=01\\_Presentation&lang=RU](https://www.venice.coe.int/WebForms/pages/?p=01_Presentation&lang=RU)

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X сездигаги маърузаси. 09.09.2021 й. <https://uzlidep.uz/news/congresses>

<sup>3</sup>[www.sud.uz](http://www.sud.uz)

такомиллаштириш” устувор йўналиши сифатида белгиланган<sup>4</sup>, Бош прокуратурада маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларининг ташкил этилган<sup>5</sup>. Шу боис, ушбу йўналишда прокурор иштирок этишининг илмий-амалий аҳамияти, унинг ҳуқуқий мақоми, судда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, прокурорнинг процессуал фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш, соҳада прокурор ваколатини такомиллаштиришни комплекс илмий тадқиқ ўтказиш зарурати вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018), “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги (2021), “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон (2020) фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган дастлабки комплекс тадқиқот иши ҳисобланади. Мавзунинг айрим жиҳатлари Б.Х.Пўлатов, М.М.Мамасиддиқов, М.З.Раджапова, Ш.Ш.Шораҳметов, Э.Эгамбердиев, Э.Т.Хожиев, Ғ.Т.Ҳақимов, Ж.Н.Нематов, Д.Р.Артиков, К.К.Олимова, Д.С.Довудоваларнинг тадқиқот ишлари ва илмий асарларида судларда прокурор иштирокига доир айрим муаммолар таҳлил қилинган<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги 5953-сонли Фармони билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури 52-банди.[электрон кутубхона], қаралган вақти 10.08.2021 й. <https://lex.uz/docs/4751561>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда.

<sup>6</sup> Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий изланишлар МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, М.А.Астахова, О.А.Загвязинская, З.М.Рахматова, Ю.Н.Старилов, А.С.Федина, Л.Н.Изотова, Н.А.Чечина ва бошқа олимлар томонидан маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирок этиш шакллари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий мақомининг алоҳида жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>7</sup>.

Бирок, юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг 24-бандига мувофиқ олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

республикамизда маъмурий судларнинг ривожланиш босқичлари, бунда прокурор процессуал ҳуқуқий мақоми, хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳада прокурор иштирокининг процессуал жиҳатларини миллий қонунчилик билан солиштирган ҳолда илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

оммавий ҳуқуқий низо, маъмурий низо, маъмурий суд ишларини юритиш, маъмурий органлар, маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки тушунчаларини таҳлил қилиш, уларга муаллифлик таърифларини ишлаб чиқиш;

суд амалиёти ҳамда миллий қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирок этишининг мезонларини ишлаб чиқиш;

маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ўзига хос жиҳатларини процессуал ҳуқуқ соҳалари билан таҳлил этиш;

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки асосларини, иштирок этиш шаклларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

маъмурий суд ҳужжатларини апелляция, кассация инстанциясида қайта кўришда прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

---

<sup>7</sup>Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш амалиётини яхшилаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишда прокурорнинг процессуал фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироқи ва унинг процессуал-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироқини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг тарихий, мантикий (анализ, синтез), формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, шунингдек, ижтимоий сўровлар, маъмурий иш материаллари ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

прокурорнинг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда иштирок этиши прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонунда аниқ кўрсатилиши лозимлиги асослантилган;

маъмурий суд ишларини юритишда прокурор вазифалари, мақсади, ваколатлари, прокурор фаолиятини баҳолаш мезонлари, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларда прокурор иштироқи асослари такомиллаштирилган;

туманлараро маъмурий судларига ва юқори турувчи маъмурий судларга прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан ариза тақдим этиш тартиби асослаб берилган;

биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан кассация протести келтириш билан боғлиқ таклифлар асослантилган;

ваколатли прокурорлар кассация протести келтириш тўғрисидаги масаласини ҳал қилиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга фақатгина мурожаатлар мавжуд бўлганда йўл қўйилиши ҳақидаги таклифлар асослаб берилган;

кассация инстанцияси жараёнида прокурорнинг ҳуқуқларини такомиллаштириш орқали тақдоран протест келтириш ҳуқуқини мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифлари асослантилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш бўйича амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

прокурорларнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиш тартиби, ваколатлари, вазифалари, фаолиятини баҳолаш мезонлари, маъмурий ишни ўрганиш давомида прокурорлар томонидан олиб бориладиган процессуал ҳаракатлар ҳамда фаолиятни умумлаштириш тартиб-таомилларига оид Бош прокурор буйруғи лойиҳаси тайёрланган;

маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини таъминлаш прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш таклифи ишлаб чиқилган;

қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳисобланишини инобатга олиб, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг зарурияти моддий ва процессуал жиҳатдан асослаб берилган;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси асосида прокурорларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва тоифалаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларга доир ишлар судда кўриб чиқиладиганда ариза ва жавобгар низони ҳал этишда мурожаат келган тақдирда уларнинг келишувини суд тартибида тасдиқлаш институтини жорий этиш, бунда прокурор келишув битимининг қонунийлигини ўрганиш масаласи миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижасини асослаб эълон қилинган хулосалар маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш соҳасига алоқадор бўлган, назариётчи олимлар томонидан эътироф этилган илмий ишланмалар, тадқиқот мавзусига оид статистик маълумотлар, амалиётга доир умумлашмалар, ижтимоий сўровлар натижасининг таҳлилига асосланган. Ишда соҳа мутахассислари (102 нафар прокурор ходимлари, шунингдек профессор-ўқитувчилар) ўртасида ўтказилган анкета сўровларидан ҳам фойдаланилган. Шунингдек, оммавий ҳуқуқий муносабатларга оид маъмурий ишлар бўйича судларда прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича 2017 йилдан 2021 йил 3 ойи давомида 100 дан ортиқ суд қарорларини ўрганиш натижалари умумлаштирилган. Тадқиқотчи томонидан қонун нормаларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялари тегишли

халқаро ҳуқуқ нормаларига ва стандартларга ҳамда мавзуга оид тадқиқотларидаги умуммиллий-методологик асосларга мос келади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда chop этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, прокурорнинг процессуал мақомини белгилаш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан соҳага оид назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, маъмурий қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни, “Прокуратура тўғрисида” ва “Судлар тўғрисида” қабул қилинган қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг ишни судга қадар юритишга оид идоравий ҳужжатларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратади. Натижалардан ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илмий тадқиқот ишларида, “Маъмурий суд иш юритуви”, “Прокурорлик назорати”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” фанларидан маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ҳамда ўқув - методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари бўйича тадқиқотдан олинган илмий натижалар асосида:

прокурор маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда иштирок этиши ҳамда қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасини тўлдиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 28 апрелдаги 27/2-122-21-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали химоя қилишга хизмат қилади;

маъмурий суд ишларини юритишда прокурор вазифалари, мақсади, ваколатлари, прокурор фаолиятини баҳолаш мезонлари, маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатларда прокурор иштироки асослари Бош прокурорнинг “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги буйруғи лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 31 мартдаги 1-сонли маълумотномаси). Ушбу

буйруқ прокуратура органларининг шу соҳадаги фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади;

туманлараро маъмурий судларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан ариза тақдим этиш тартиби юзасидан ишлаб чиқилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 46-моддасини тўлдиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 06 майдаги 06/1-05/237514-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф прокурорларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштиришга ва ишларнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилишга хизмат қилган;

биринчи инстанция судининг апелляция тартибида кўрилган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан кассация протести келтириш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 224-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 03 майдаги 14-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олинishi ноқонуний суд қарорларига юқори суд инстанциясида қонуний баҳо берилишига хизмат қилган;

ваколатли прокурорлар кассация протести келтириш тўғрисидаги масаласини ҳал қилиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга фақатгина мурожаатлар мавжуд бўлганда йўл қўйилиши ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 230<sup>1</sup>-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 03 майдаги 14-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокурор ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқини чеклаши ва тортишувчанлик тамойили асосида дастлабки суд босқичида ишни қонуний ҳал қилишга хизмат қилади;

кассация инстанцияси жараёнида ваколатли шахслар ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида протест келтириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарларига мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 248<sup>1</sup>-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 03 майдаги 14-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши юқори суд биринчи инстанциясида қонун устуворлиги таъминланишига,

ноқонуний суд қарорларини бекор қилишга ёки қонунга мувофиқлаштиришга шунингдек, суд босқичида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг янада кучайтирилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-амалий қўлланма, 14 та илмий мақола ва тезислар (улардан иккитаси хорижда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Маъмурий суд ишларини юритишнинг умумий тавсифи”** деб номланган бўлиб, унда маъмурий судларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва прокурорнинг тутган ўрни, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг зарурияти ва унинг ишда иштирок этувчи бошқа шахслар билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларининг назарий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, унга доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган.

Муаллиф мазкур бобда маъмурий судларнинг Ўзбекистон ҳудудида вужудга келишининг тарихий жараёнларини таҳлил этиб, олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб, маъмурий судларнинг ривожланишини қуйидагича таснифлайди: 1) III-XIV асрлар, “Мазалим” судларининг пайдо бўлиши, темурийлар даврида маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низоларнинг шарият қоидалари асосида ҳал этилганлиги; 2) XIV-XIX аср ўрталарига қадар бўлган давр, оммавий ҳуқуқий муносабатларга доир ишлар қози судлари томонидан кўриб чиқилган ва қози судлари прокурорнинг назорат функцияларини амалга оширганлиги; 3) 1864 - 1991 йиллар, Александр II томонидан маъмурий ислохотлар

Ўтказилганлиги, 1917 йилда “Маъмурий судлар тўғрисида”ги Низом қабул қилинганлиги, суд фаолияти устидан прокурор назорати вужудга келганлиги; 4) 1992 - 2016 йиллар, оммавий - ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи мустақил қонунчиликнинг илк ҳуқуқий асоси пайдо бўлганлиги, маъмурий низолар фуқаролик, хўжалик (иқтисодий) судлар томонидан кўриб чиқилганлиги ва судлар фаолияти устидан прокурор назорати бекор қилиниб, суд ишларини юритишда прокурор иштироки институти жорий этилганлиги; 5) 2017 йилдан шу кунга қадар бўлган давр, маъмурий судларнинг ташкил этилиши, МСИЮтК қабул қилиниши ва прокурорнинг маъмурий судларда иштироки этишининг белгиланганлиги.

Тадқиқотчи маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг моҳияти ва шакллари таҳлил қилишда олимларнинг (Э.Т.Хожиев, Ғ.Ҳақимов, Б.Қосимов, К.В.Давидов, Н.М.Коркунов, Д.М.Чечот, Е.В.Хахалева, В.Болгова, В.Николаенко, С.Э.Шиндяпин, Ю.А.Тихомиров, Д.М.Замышляев, Т.В.Пешкова, Ю.Н.Стариков ва бошқалар) фикр ва қарашларини таҳлил этиб, “оммавий ҳуқуқий низо”, “маъмурий низо”, “маъмурий суд ишларини юритиш”, “маъмурий орган”, “маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари”, “маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Диссертант “маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари” ва “маъмурий процесс субъектлари” тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Муаллиф тадқиқот иши доирасида маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларини хорижий мамлакатлар қонунчилиги асосида қиёсий таҳлил этиб, уларни икки гуруҳга ажратади: ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар. Диссертант томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг прокурор мақоми билан ўзаро фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этиш заруриятининг мезонлари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлашнинг процессуал тартиб қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган иккинчи боби прокурорнинг судда иштирок этиш асослари ва шакллари, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари, прокурорнинг юқори суд инстанциясида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Муаллиф маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид халқаро ҳуқуқ нормаларида монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли, Ўзбекистон миллий қонунчилигида прокурор ҳуқуқий мақомининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида хулосага келган.

Тадқиқотчи томонидан ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида

прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаш ҳақидаги таклифи фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ишда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина Республикаларининг маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилиги ўрганилиб, муаллиф прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этишини қуйидаги шаклларга ажратади: 1) судга ариза билан мурожаат қилиш; 2) бошқа шахсларнинг аризалари бўйича қўзғатилган ишларда иштирок этиш; 3) ноқонуний суд қарорларига нисбатан протест келтириш.

Диссертацияда маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар судда кўрилишида прокурор иштирок этиши шарт бўлган Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилиги таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг МСИЮтК 181-моддаси (Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш хусусиятлари), 188-моддаси (Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари)да назарда тутилган низолар прокурор иштирокида кўриб чиқилиши шартлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи маъмурий суд ишларини юритишда прокурор фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиб, соҳада ёш мутахассисларнинг салмоғи юқори эканлиги, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатлари, вазифаларининг аниқ чегараси ҳамда унинг фаолиятини баҳолаш мезонлари мавжуд эмаслиги ҳақида хулосага келиб, ушбу соҳада прокурор фаолияти устидан идоравий назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг алоҳида соҳавий буйруғини қабул қилиш зарурлигини илгари сурган.

Муаллиф томонидан прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда суд томонидан иштирок этишини зарур деб топиш асослари ишлаб чиқилган: 1) тарафлардан бирининг прокурор иштирокини таъминлаш ҳақидаги илтимосномаси бўлиб, у суд томонидан қаноатлантирилса; 2) бир томонда давлат органи мавжуд бўлиб, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти мавжуд бўлганда; 3) иш юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилиб, қабул қилинган суд қарорлари бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун қайтарилганда.

Диссертант прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқини Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина давлатлари қонунчилиги асосида таҳлил этиб, ушбу ҳуқуқни тоифалаш лозимлиги ҳақида МСИЮтКнинг 46-моддасига таклиф ишлаб чиққан.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 1 июлдан маъмурий судлар ташкил этилганлиги муносабати билан давлат бошқарув органлари ва ҳокимларнинг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги низолар маъмурий судларга тааллуқли эканлигини ва судда кўриб чиқиш ишончли ҳамда қулай эканлигини ҳисобга олиб, Бош прокурорнинг давлат бошқарув органлари ва ҳокимларнинг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларини тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш ҳақидаги ваколатини бекор қилиш ҳақида ҳулосага келинган.

Тадқиқотчи прокурорнинг маъмурий ишларни судга тайёрлаш босқичида, суд муҳокамаси даврида ишни ўрганишда эътибор бериши лозим бўлган жиҳатларни алоҳида таҳлил қилиб, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини икки гуруҳга ажратади: 1) умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлар; 2) махсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурорни рад қилиш орқали манфаатдор шахслар қарорнинг қонуний ва асосли бўлишига ҳалақит бериши, вақтдан ютиши ёки ишни чалғитиши каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рад қилишда қариндошлик даражаси аниқ кўрсатилиши ҳақидаги таклифлари Эстония, Озурбайжон каби давлат қонунчилиги билан асослантрилиб, миллий қонунчиликка жорий қилиш масалалари илгари сурилган.

Муаллиф фикрича, прокурор фаолияти бюджет ҳисобидан молиялаштирилишини ҳисобга олиб, тадқиқотчи томонидан прокурорнинг мажбуриятлари бажарилиши билан боғлиқ суд амалиёти таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 46-моддасида прокурорнинг суд харажатларини тўлаш мажбуриятидан озод этиш ҳақида нормалар баён қилиниши лозимлиги ҳақида таклиф берилган.

Тадқиқотчи апелляция тартибида протест келтириш субъекти сифатида туман прокурори эмас, уларнинг ўринбосарларининг мақомини ҳам маъмурий қонунчиликда алоҳида белгилаш лозимлиги ҳақида ғояни илгари суриб, МСИЮТКнинг 204-моддасига апелляция протестини прокурор ёки унинг ўринбосари келтириши ва имзолаш ҳуқуқи киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертацияда тадқиқотчи кассация тартибида протест келтириш ҳуқуқини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларнинг ўринбосарларига берилиши фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишининг асосий омилларидан бири эканлигини қўллаб-қувватлайди.

Прокурор юқори суд инстанцияси сифатида апелляция ва кассация инстанциясида иштирок этиши, унинг низо бўйича фикр билдириши, прокурор томонидан олиб бориладиган процессуал хатти-ҳаракатлар, маъмурий ишни фақатгина манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари мавжуд

бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқи қонунчиликда акс эттирилиши лозимлиги ҳақида фикрларни билдирган.

Диссертант фуқаролар ва юридик шахслар ҳамда жамият ва давлат манфаатларида юқори суд инстанцияларига киритилган прокурор протестидаги важлар судда тўлиқ текширилиши, келтирилган важлар билан келишилмаган тақдирда протест суд бошланғунига қадар эмас, балки суд маслаҳатхонага киргунга қадар чақириб олиш лозимлигини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида акс эттириш таклиф этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини таъминлашда хорижий амалиёт ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид айрим масалалар**” деб номланиб, мазкур бобда МДХга аъзо давлатлар ва ривожланган бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар қиёсий-ҳуқуқий ҳамда маъмурий процессуал қонунчилигида прокурор ваколатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида келишув битими ёки медиация келишувини жорий этиш низоларни тез ва сифатли ҳал этиш, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Тадқиқотчи Россия Федерация, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Литва, Эстония, Чехия, Молдова ва бошқа бир қатор давлатлар процессуал қонунчилигини таҳлил этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКда келишув битими ёки медиация келишуви институтини жорий қилиш ва унда қуйидаги “Яраштириш тартиб-таомиллари” деб номланган янги бобни киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини таклиф этади.

## ХУЛОСА

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқилди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар.**

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- *Оммавий-ҳуқуқий низо* - бу оммавий ҳуқуқ соҳаларига тегишли муносабатларни қамраб олган, муносабат иштирокчилари ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаган, субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашга қаратилган ва процессуал тартибда ҳал этиладиган муносабат.

- *Маъмурий-ҳуқуқий низо* - бу маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор бўлган, бошқарув ваколатига эга бўлган шахсининг

қабул қилган қарори юзасидан маъмурий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг норозилигидан келиб чиқадиган муносабатлар.

- *Маъмурий суд ишларини юритиш* - бу маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида келиб чиқадиган маъмурий органлар билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини маъмурий суд орқали ҳимоя қилишдир.

- *Маъмурий органлар* - қонун ҳужжатларига асосан ташкил этиладиган давлат ва ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, давлат номидан уларга берилган ваколат доирасида маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи ҳамда маъмурий-ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқувчи, тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи субъектлар доирасидир.

- *Маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари* - маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни судда кўриб чиқиш ва ҳал қилиниши жараёнида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

- *Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки* - фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор иштирокини зарур деб топган, шунингдек прокурор аризаси асосида қўзғатилган ишларда иштирок этувчи, низонинг қонуний ва оқилона ҳал этилишидан қонуний манфаатдор бўлган ваколатли шахсдир.

2. Маъмурий судларнинг ривожланиши тарихи ва унда прокурор иштироки беш босқичга яъни, биринчи босқич III-XIV асрлар, иккинчи босқич XIV-XIX аср ўрталари, учинчи босқич 1864 -1991 йиллар, тўртинчи босқич 1992 -2016 йиллар, бешинчи босқич 2017 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврга ажратилиб, ҳар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда прокурорнинг ҳуқуқий мақоми ёритилган.

3. Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки қуйидаги шаклларга ажратилган:

- судга ариза билан мурожаат қилиш;
- бошқа шахсларнинг аризалари бўйича қўзғатилган ишларда иштирок этиш;
- ноқонуний суд қарорларига нисбатан протест келтириш.

4. Прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишдаги процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидаги тартибда гуруҳларга ажратилди:

*биринчи гуруҳ* – умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлар (судда маъмурий суд ишларини қўзғатиш ваколатига эга бўлган шахсларга берилади).

*иккинчи гуруҳ* – махсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар (мазкур процессуал ҳуқуқлардан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар фойдалана олмайди).

## **II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1. Прокурорнинг маъмурий суд ишларини юритишда иштирокини прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида қонунчиликка киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шунга асосан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 1-банди 6-қисмидаги “судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш” деган жумлани “прокурор жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳамда иқтисодий суд ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш фаолиятини амалга оширади;” деган мазмунда ўзгартиш таклиф этилади.

2. Маъмурий суд ишларини кўрилишида прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар тоифасини белгилаш лозим.

Шу мақсадда МСИЮТК 181-моддаси 2-қисмидаги “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топши тўғрисидаги иш низолашиладиган ҳужжатни қабул қилган орган вакилларининг мажбурий иштирокида кўриб чиқилади.” деган жумлани “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топши тўғрисидаги иш низолашиладиган ҳужжатни қабул қилган орган вакилларининг ҳамда прокурорнинг мажбурий иштирокида кўриб чиқилади.” деб ўзгартиш;

